

ЖАЛЛІК СЎЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

23 февраль, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 39 (1041)

БУГУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИШ БОШЛАЙДИ



Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

Ўзбекистон ҳозир ислохотларнинг иккинчи босқичига қадам қўйди. Ислохотлар — ўтиш даврига хос ҳусусият. У агар қанчалик пухта, мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда чуқур заминга эга бўлса, мамлакат шунчалик тез ривожланади, тараққий этади.

Ўтиш даврида ислохотлар, асосан, икки йўналиш бўйича ҳаракат қилади: иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар. Уларни эътибор билан тирноқ каби бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Улар, аксинча, бир-бирини тўлдирди, бирининг оёққа туришида иккинчиси кўмаклашади, иккинчиси оёқдан қолаётган бўлса биринчиси унга дармон бўлади. Шунинг учун барча ривожланган мамлакатларда ўтиш даврида иқтисодий ва сиёсий ислохотлар жараёни доимо ёнма-ён кечган.

пойдеворида эга бўлди. Давлат бош ислохотчи сифатида сиёсий ислохотларни ҳам босқичма-босқич амалга ошира борди. Ҳар бир халқни, миллатни жуғрофий ўрни, характери ва яратилганлигига қараб ўзига хос хусусиятлари бўлади. Дарахт бир жойда мева бериб, иккинчи жойда бермагани каби бир мам-

гида эса қайта сайлов ўтказилди. Ўзбекистонда ана шундай йўл билан профессионал парламентга асос солинди. Унда сайланганлар ўз соҳаси ва касб-корининг билимдонлари, десах муболага қилмаган бўлмас. Шу боис улар ўз соҳаларига тегишли бўлган барча масалалар юзасидан мустақил ва эркин фикр юришти билан бирга ташаббус кўрсатиш, таклиф ҳамда мулоҳазалар билдириш қобилиятига ҳам эгадирлар. Зеро, бу профессионал парламентнинг энг муҳим шаклланиш омилларидан ҳисобланади.

Профессионал парламент бир ёки икки йилнинг ичида шаклланди ва жараён эмас. У сайловдан сарфловга, парламентдан парламентга тобора такомиллашиб, янгиланиб боради. Жамият онги янгилангани сайин фуқаролар фаоллиги ҳам ошди, ҳуқуқий-маданий савияси юксалди.

Ўтиш даври жамият олдида янгидан-янг муаммоларни, вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу эса ўз навбатида Олий Мажлис депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки жамиятнинг янгиланиши, халқ ҳаётининг фаровонлашуви кўп жиҳатдан парламентга боғлиқ.

Олий Мажлис таркиби, ишлаш тартиби ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан Олий Кенгашдан фарқ қилади. Олий Мажлис тўғрисидаги Қонунга мувофиқ унга номзодини кўрсатган партиядан ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари парламентга ўз блок ва фракцияларига эга бўлади.

Олий Мажлиснинг бутунги сессиясида, асосан, ташкилий масалалар кўриб чиқилади. Қонун чиқарувчи олий орган — Олий Мажлиснинг янги тизими шаклланади ва у бундан буён мутлақо янги таркиб, тартиб, қонун-қоида ва мезонлар асосида иш юритади.

Исмаил ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» Парламент бўлимининг
муҳаррири.

ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС ЙЎЛ ТАНЛАНДИ

Дарахт бир жойда мева бериб, иккинчи жойда бермагани каби бир мамлакатга хос хусусиятларни шундайлигича иккинчи мамлакатда жорий этиб бўлмайди

лакатта хос хусусиятларни шундайлигича иккинчи мамлакатда жорий этиб бўлмайди. Шу боис тараққиётнинг Ўзбекистонга хос йўли танланди.

Утган йил 25 декабрь кунини сиёсий ислохотлар йўлида катта қадам ташланди: мустақил Ўзбекистоннинг янги парламенти — Олий Мажлисга асос солинди. Қонун чиқарувчи органларнинг барча бўғинларида сайловлар демократик, кўп-партиявийлик ва муқобиллик асосида ўтди.

Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда жаҳоннинг кўп қисми мамлакатларидан кузатувчилар иштирок этди. Ва улар матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали бир неча бор ушбу сайловлар халқро қонунчи қондаларга мос равишда ўтказилганлигини таъкидлашди.

Ўзбекистон фуқаролари сайловларда фаоллик кўрсатишди: энг муносивлар учун овоз берилди. Шу боис 38 та сайлов округида такрорий овоз олинди, 7 та сайлов округида эса қайта сайлов ўтказилди.

Ўзбекистон ҳам инсоният тарихи давомида шаклланиб келган ана шу таъридан самарали фойдаланди: бозор иқтисодидаги ўтиш, ривожланишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган, мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчилардан бўлиб президентлик давлат бошқарувини жорий этди. Республика Президентлигида сайлов муқобиллик асосида ўтди. Олий, ижро ва суд ҳокимиятига асосланган янги давлат тизими ташкил топди ва бу Ўзбекистоннинг янги Конституциясида қонун йўли билан мустақамлаб кўйилди.

Давлат бошқарув тизимининг барча бўғинларида ислохотлар ўтказилди. Қуйдан юқоригача бўлган ўзига хос бошқарув тизими яратилди. Улар фуқаролар йиғини, оқ-соқоллар, ҳокимлик, деган янги номлар билан атала бошлади. Ушбу бошқарув тизимларининг фаолияти қонунлар асосида тартибга солинди.

Бошқарув тизимида ана шундай йўл билан ота-боболаримиз асос солган анъаналар, миллий қадриятлар қайтадан тикланди. Давлат ўзининг мустақам миллий замини ва


БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг биринчи сессияси бугун, 23 февраль кунини соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 23 февраль кунини эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг мажлислар залида рўйхатга олинади.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



22 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов уруш йилларида асирга тушган ва дом-дараксиз кетганлар бўйича Америка-Россия комиссиясининг ҳамраиси Мэлколм Тун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Инсон қадри ва унинг хотираси ҳар вақт азиздир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу жиҳатдан Америка Қўшма Штатларининг уруш йиллари бедарак йўқолган ва асирга тушган ҳар бир фуқаросини тақдирини ҳақида жиддий қайғураётгани бу улкан давлатнинг халқпарварлигидан дарақдир.

Мэлколм Тун самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди. У ўзи раҳбарлик қилаётган делегациянинг Ўзбекистонга ташрифидан қўзлан-

ган мақсад ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон ҳукумати бу борда ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигидан мамнуният билдирди.

Суҳбат чоғида уруш йиллари ва 1950-1960 йиллари дом-дараксиз кетган америкалик ҳарбий хизматчилар тақдирини ҳақида ҳамжиҳатликда маълумот тўплаш масалалари муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, республика ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фуаулда ва Мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

СУРАТДА: қабул пайти.
Тасвирчи Р. ШАҒАЕВ.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Икки томон ўртасидаги келишувга мувофиқ 1995 йил 6 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси билан Хорватия Республикаси ўртасида

дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот шўбаси.

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 22 февраль кунини бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хоржий валюталарда операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 12,62 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 25,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 23 февралдан бошлаб ҳисоб ва божона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи. *);

1 Австралия доллари	18,57	10 Португалия эскудоси	1,64
1 Австрия шиллинги	2,40	1 Сингапур доллари	17,22
1 Англия фунт стерлинги	39,61	1000 Туркия лираси	0,60
10 Бельгия франки	8,25	1 Финляндия маркази	5,49
1 Голландия гульдени	15,16	4 Франция франки	4,87
10 Греция драхми	1,08	1 Швеция кронаси	3,43
1 Дания кронаси	4,29	1 Швейцария франки	20,09
1 АҚШ доллари	25,00	1 ЭКО	31,81
1 Миср фунти	7,34	10 Япония иенаси	2,57
1 Ирландия фунти	39,49	1000 Россия рубли	5,74
1 Исландия кронаси	0,38	1 Эстония кронаси	2,12
10 Исландия песети	1,94	1000 Украина карбованеци	0,20
100 Италия лираси	1,85	1 Латвия лати	46,30
1 Канада доллари	17,86	1 Литва лити	6,25
1 Кувайт динори	83,96	1 Козогистон тенгеси	0,42
100 Ливан фунти	1,53	1 Молдова лейи	5,69
1 Германия маркаси	16,98	1000 Беларусь рубли	2,14
1 Норвегия кронаси	3,86		

*); — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъруз валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган. Марказий банк 1995 йил 23 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси маъруз пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгиледи: — Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 25,00 сўм. — Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 25,00 сўм. Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

Сўз — депутатларга КЕЛАЖАК УЧУН АҲАМИЯТИ МУҲИМ

Супон ТИЛЛАЕВ,
Олий Мажлис депутати,
Навоий вилояти сўз-одиниш
директори:

— Бу йил республикамиз мустақилликнинг тўртинчи йилига қадам қўйди. Мустақамлик асосини тортиб келган халқимиз эркин яшаш ва ишлаш саводидан баҳраманд бўлмоқда.


Тарихан жуда қисқа муддат ичида республикамизда талай инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Миллий қадриятларимиз дейимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз дейимиз, бари қайта тикланмоқда, ўрганилмоқда.

Бугун Ўзбекистон ер юзи мамлакатларининг деярли барчаси билан дўстона ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда. Республикада ҳуқуқий демократик давлат тамойиллари шаклланимоқда. Олий Мажлисга илк марта кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайлов ҳам бунинг исботидир. Табикики, бугун бошланган сессияда, таъкидланганидан янги парламент таркиби ҳам жаҳон андозаларига мос келади.

Бу галги сессия халқимиз, жамиятимиз ва давлатимиз келажиги учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки юртимиз келажиги кўп жиҳатдан янгидан таркиб топадиган парламент аъзоларининг куч-гайратини, фидойилигини, ватанпарварлигини боғлиқ бўлади. Табикики, бу депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Айни кунда кўппартиявийликка асосланган янги парламент қандай иш бошлашига нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш билан қараётган. Уйлашганимиз, сессия ишчан қайфиятда ўтади ва халқ депутатлари ўз зиммаларидаги вазифаларни сиқидилдан бажаришига киришадилар.

БАРЧАМИЗНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИМИЗ КАМОЛОТИГА ҚАРАТИЛГАН



СУРАТЛАРДА: Олий Мажлисининг рўйхатдан ўтиш залидан лавҳалар.

Шонозар ИБРОҲИМОВ тасвирга олган.

• **Янги парламентимиз хорижий дипломатлар нигоҳида**

ДЕМОКРАТИЯ САРИ ЯНА БИР ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМ




Карл Хайнц КУНА, Германиянинг Ўзбекистондаги Фавақулда ва Мухтор элчиси:

— Утган йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловларда бизнинг элчихонамиз вакиллари ҳам қузатувчи сифатида иштирок этмишган эди. Шунинг билан таъкидламоқчиманки, мазкур тадбир ниҳоятда осойишта, юксак савияда, қўлланган даражада ўтди. Мен ушбу сайловларни мустақил Ўзбекистон тарихида беқийс аҳамиятга молик воқеа, дея баҳолайман. Чунки, у 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ўтказилди. Ўз навбатида, Асосий Қонунингиз парламент аъзоларининг самарали фаолият кўрсатишлари учун жуда қулай имкониятлар яратиб берди. Олий Мажлис таркибида янги комитетларнинг тузилиши ҳаётнинг ҳамма соҳалари — фан, маориф, тиббиёт, ҳуқуқ, таъқиқ сиёсат ва ҳоказолар ривожига муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари бир қанча сиёсий гуруҳларнинг вакилларидан иборат. Бу эса мамлакатингизда демократиянинг янада юксалиши учун қулай имкониятлар яратди. Албатта, шу ўринда ушбу парламентда сиёсий плюрализм вакиллари янада кўпроқ бўлиши мумкинми, деган савол туғилиши табиий. Ишонч билан айтиш лозимки, келажакда ундаги сиёсий гуруҳлар сони тобора кенгайиб бораверади. Энг асосийси, бу борада илк қадам қўйилди.

Ўзбекистонда янги парламент тузилиши билан бутунлай янгича сиёсий муҳит ҳам вужудга келди. Шу сабабли ҳам Олий Мажлисининг биринчи сессияси мамлакатингиз тарихида шонли воқеа бўлиб қолади. Унга сайланган депутатлар олдига турган вазифалар ҳамда масъулият жуда залворли. Аминманки, улар мукамал ишлаб чиқилган Ўзбекистон Конституцияси асосида фаолият кўрсатишиб, улкан ишларни амалга оширишди. Бу борада барча депутатларга муваффақиятлар тилаб қоламан.



Далил МЕХТА, Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавақулда ва Мухтор элчиси:

— Мамлакатингизда янгидан таркиб топан олий қонун чикарувчи орган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўзбек халқи ҳаётида тарихий воқеа бўлиб қолиши, шубҳасиз. Менинг назаримда, кўппартиялик ва демократик тамойилларга асосланган янги парламентингизга бўлган сайловлар ушбу жараёндаги энг муҳим воқеа саналади. Чунки, уша кунни бутун Ўзбекистон фуқаролари илк бор эмин-эркин ҳолда ўз номзодлари учун овоз бердилар. Тўғри, собик совет тизими даврида ҳам сайловлар мавжуд эди. Аммо унда халқнинг эзгу орзу-умиди, ниятлари ўз аксини топмасди. Таъбир жоиз бўлса, бу сайловларни Ўзбекистон мустақилликка эришган, утган 3 йил давомида қўлга киритган энг катта ютуқларидан бири сифатида баҳоламоқ лозим.

Сайловларда иштирок этган сиёсий партиялар ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари ўзларининг аниқ-равшан сайловдоли дастурларига эга эди. Утган йилнинг 25 декабрида эса халқингизга уларни танлаб олиш ҳуқуқи берилди. Мазкур сайловларда қўпгина хорижий давлатларнинг қузатувчилари иштирок этмишган эди. Жумладан, бизнинг элчихонамиз вакиллари ҳам Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудидаги бир қатор сайлов участкаларида бўлишиб, овоз бериш жараёнини кўздан кечиришди. Шунинг тақдирини истардимки, биз қузатув давомида одамлар руҳида кўтаринкилик ва ушшоқликнинг гувоҳи бўлдим. Бу эса мамлакатингиз халқларининг янгича сайловларнинг мазмун-моҳиятини тереан аниқлаб еттирилишидан далолат беради.

Бугун мустақил Ўзбекистон тарихида улкан сиёсий-тарихий воқеа содир бўлмоқда. Чунки кўппартиялик ва демократия асосида таркиб топан янги парламент ўз фаолиятини бошлади. У Ўзбекистон Республикасининг порлоқ келажигини таъминлашда катта хизмат қилиши, шубҳасиз.



Доктор Холид Иззат УМРОН, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили вазира-сини бажарувчи:

— Биз Ўзбекистонда амалга оширилган демократик жараёндан бениҳоя мамнунимиз. Дарҳақиқат, ўз бераётган хайрли ўзгаришлар жаннатмакон бу юртинг келажиги порлоқ экани исботидир. Бу жиҳатдан у ён-атрофдаги давлатлардан алоҳида ажралиб туради. Масалан, Ўзбекистонда устивор бўлган тинчлик, осойишталик ва тотувлик демократиянинг мамлакат ҳаётига чуқур сингиб бораётганлигидан далолат беради. Тараққиёт шу даражада давом этаверса, у яқин йиллар ичида жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олиб, ИБН Сино, ал-Хоразмийлар замонасида бўлгани каби маданий марказ даражасига кўтарилиши таъмин.

Бугун мустақил мамлакатингиз ҳаётида яна бир тарихий воқеа юз берапти. Жаҳон андозаларига мос равишда, кўппартиялик ва демократия принципларига асосланган янги парламент — Олий Мажлис депутатлари илк машавратта тўпланиди. Албатта, бу воқеа бизни ҳам бефарқ қолдирмайди. Биз Ўзбекистонда кенг-кўламли сайловлар жараёнини дастлабки кунларданок эътибор билан қузатиб туришди. Сайловлар тўғрисидаги қонунлар, мазкур сиёсий тадбирга хозирлик ишлари, сайловчиларга бериладиган эркинликлар ҳамда депутатликка номзодларнинг рўйхати билан танишиш бобида бу ерда мукамал парламентни таркиб топтириш учун ҳар жиҳатдан пухта замин ҳозирланганлигининг гувоҳи бўлган эдик. Сайловлар кунда қузатувчи сифатида бир қанча сайлов округлари ва сайлов участкаларида бўлганимизда эса ушбу фикримизнинг нақадар тўғри эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Кези келганда, яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Ўзбекистон парламенти билан Миср давлатининг олий қонун чикарувчи органи кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди. Бизнинг парламентда ҳам бир қанча партияларнинг халқ томонидан сайланган вакиллари фаолият кўрсатишди. Улар мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигига хизмат қилувчи зарур қонун ҳужжатларини тайёрлаб, қабул қилишди. Айнан мана шу муштараклик ҳар иккала мамлакат парламенти вакилларининг ўзаро алоқаларини йўлга қўйиб, бир-бирларининг яхши тажрибалири, иш жараёнидаги янгиликларини билан яқиндан танишиб беришларига қулай имконият яратди, деб ўйлайман.

«Халқ сўзи» мухбири Рафур ШЕРМУҲАММАД сўхбатлашди.

• **Сўз — депутатларга**

УНУТИЛМАС САНАДИР БУГУН

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон халқ шоири, республика Олий Мажлисининг депутати:

— Бугун ўзбек халқи ҳаётида, ўзини Ўзбекистонликман деб билган ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас санадир. Мустақил Ватанимиз халқи илк бор кўппартиявийлик асосида сайланган парламент — Олий Мажлис ўз ишини бошламоқда. Олдинда беш йиллик замон ма-софаси, масъулиятли йўл турибди. Бу йўл қандай бўлади? Оламнинг кўзи бизда ва халқимизнинг умидлари бизда. Бу умидлар фақат беш йил эса, Ўзбекистонимизнинг яқин ва узоқ келажиги билан боғлиқдир. Бугун ишонч билан айтгим келадикки, биринчи мустақил парламентимиз иши самарали бўлажак. Бизларда ўз Олий Кенгашимиз ва қўшни парламентлар кейинги йилларда босиб ўтган йўл тажрибаси бор, солиштириш ва ҳулоса чиқариш имконлари бор. Нойларимиз асосан кўп-ни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тогган, билимли, тажрибали шахслардир. Уларнинг кўплари катта-кичик раҳбарлик лавозимдаги кишилар бўлганлиги учун эндиги қонунларимиз, ўйламанки, кўпроқ амалиётга яқин ҳужжатлар бўлади. Чунки бу қонунларни ижро этишнинг аччиқ-чучуқлари уларнинг бошидан кўп ўтган ва ўтажакдир.

Албатта, парламент демократияси фикрлар хилма-хиллигини талаб этди. Олий Мажлисда ҳам партиявий фракциялар бўлади, турли қарашлар ва муносабатлар ўртасида тортишувлар бўлади. Лекин булар Ватан манфаати, жамият камолоти йўлидаги баҳслар бўлғусидир. Нойларимиз эса, ишонманки, баҳс маданийтини яхши билади.

Ватанимиз кемаси қадам ва қадам, салобат билан, чайқалишларсиз жаҳон денгизининг сертўлқин огушига кириб келмоқда.

Тилагим — кемамиз йўллари раван бўлсин, бало-офатлардан, хайфу хатарлардан Яратганнинг ўзи асралин.

Биз, нойларга эса юрт ва халқ ишида толмасликни тилайман. Беш йилдан сўнг эл олдига юзимиз ёруғ бўлишини истайман.

ЮРТИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТАМИЗ

Мурод УМАРОВ, Ғиждувон ип-йигирув комбинати директори, Олий Мажлис депутати:

— Рости, мен Ўзбекистон Олий Мажлисига депутат бўламан, деб ишонмагандим. Чунки кураш қаттиқ бўлди-да. Шу пайтгача қилган меҳнатимиз маъқул келибми, кўпчилик менинг номзодимни ёқлаб овоз берди. Энди ана шу ишончни оқлаш лозимлигини қалбдан ҳис қилиб турибман.

Президентимиз 1995 йилни иқтисодий барқарорлаштириш йили, деб эълон қилди. Энди ҳар бир депутат иқтисодий ислохотларни ривожлантириш ҳамда халқимиз ҳаётини фаровон қиладиган қонунлар ишлаб чиқиш учун бугун куч ва қобилиятини сарфламоғи лозим. Олий Мажлисининг янги депутатларига улар ана шу мақсадда ишонч билдиришган. Ниятим — барча депутатлар билан биргаликда юртимизнинг буюк келажигини яратишда қўлимдан келганча хизмат қилиш.

Янги йилдан туманимиз ва жомоамиз аҳли худди шу руҳда иш бошлади. Эски раҳбарлар ўзгариб, ҳокимиятга ёшлар келди. Уларнинг келажакка ишонч ва умид уйғотадиган режалари бисёр. Мен депутат сифатида ана шу халқларвар режаларни доимо қўллаб-қувватлайман. Тошкентга ҳам худди шу ниятда келдим.

• **Сессиядан нимани кутаясиз?**

ЙЎЛНИНГ ОЙДИН БЎЛСИН

УТГАН мuddат депутатларнинг республикамиз тараққиёти учун салмоқли хизмат қилишлари. Улар иштирокда республикамиз халқ ҳўжалигини, иқтисодийини, давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини белгилаб берувчи бир талай қонун ҳужжатлари қабул қилинидики, бугунги кунда булар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Лекин халқ қилиниши зарур бўлган ишлар кўп.

Хозир республикамиз ислохотларнинг иккинчи босқичига қадам қўйди. Бу босқичда асосан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш, чет эл сармояларини республикамизга кўпроқ жалб қилиш каби бир қанча тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Янги парламентимиз ўз иш фаолияти давомида ана шу муҳим ислохотларни амалга оширишни тезлаштириш билан бирга қишлоқ-қалъаликда меҳнат қилаётган деҳқонларимиз, қорвадор-ўрғонларимиз турмуш шартини янада яхшилашга ҳамда хизмат қиладиган ҳужжатлар қабул қилинишида ҳам гайрат кўрсатдилар, деб умид қиламиз.

Дастлабки қадамга кўп нарсга боғлиқ. Агарда илк қадам дадил, мардона ташланса, манзил яқин, галаба муқаррар бўлади. Шу ўринда биз янги парламентимизга илк қадамни кутлуг бўлсин, дейимиз.

Бахтиёр СОАТОВ, Жиззах шаҳар «Малайя» маҳалласи оқсоқоли.

Мен бу инсонни ўттиз йил илгари кўриб-билиб юрдим. Ушаида 8-пахтачилик совхози директори эди. Ғўзани ўтққ қилиш, пилла ҳосилини йиғиб олишда мактаб ўқувчиларини ёрдамга олиб чиқарди. Арсаю келбати, бугундоғран, қора кўзлари қақнаб турарди. Сўзлашганда ҳеч шовилмас, босқичлик унинг қон-қонига сиғиб кетган эди.

Биз — ўқувчилар у ёқда турсин, ҳатто муаллимларимиз ҳам у билан кўз бериб сўрашишга тортинамиз. Чунки раиснинг салобати босарди, самимий ва бегубор гаплари ҳаммани лол қолдирарди.

Бугун мен ана шундай машҳур инсон — Усмонжон Мансуров билан бир пилла чой устида диллашқин қилиб ўтирдим. Етмиш беш ёшни ортда қолдирган, пешонасига бироз ажин тушган, аммо гайрат-шижоати уфуриб турган Усмон ака билан сўхбатлашим менга ҳузур бахш этарди.

— Менинг ҳаётим тенгдошларим қатори иккига: уруш вақти ва урушдан кейинги тинч меҳнат даврига бўлинган, — дейди у киши. — Ҳар икки даврда ҳам виждон амри асосий мезон бўлди. 1936 йилда етти йиллик туликсиз ўрта мактабни тамомлаб, ўша даврдаги энг нуфузли билим даргоҳи ҳисобланган Андижон сиёсий маориф техникумига ўқишга кирдим. Етмиш беш ёшни ортда қолдирган, пешонасига бироз ажин тушган, аммо гайрат-шижоати уфуриб турган Усмон ака билан сўхбатлашим менга ҳузур бахш этарди.

Отанинг қошлари чимирилади. Хаёллари жанг майдонларига улашиб кетди. Совуб қолган чойдан бир ҳўплади-да, сўзига давом этди:

— Москва остоналаридаги мудоффа жангларда душман билан олишдим. Танкка қарши курашувчилар бўлинимасининг командири сифатида Орлов, Курск йидаги беомон ку-

либ иш юритишга даъват қиларди. Сув танқислиги туфайли далалардаги ғўзалар иссиқдан қовжираб қолар, бошқа экинларнинг ҳам ҳосили ўлда-жўлда эди. Янги раҳбар сув муаммосига барҳам бермай туриб, бирор натижага эришиб бўлмастлигини тушуниб етди. Унинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари натижасида ҳўжаликда қудратли насос станцияси қурилиб, фойдаланишига топширилди. Арслар мобайинда сув ичмаган далалар қисқа вақт ичида ишнаб кетди. Гўё «об-ҳаёт» билан кўт-баракга оқиб кела бошла-

ди. Ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин орта бошлади. Пахта етиштириши 12000 тоннадан 18000 тоннага кўтайди. Ҳосилдорлик гектарига 18 — 19 ўр-нига 34 центнерга кўтарилди. Чорва беш сонга ва маҳсулдор-лиги 2,5 баробарга ортди. Ун етти миллат вакилларидан иборат давлат ҳўжалиги тараққиёт-нинг ойдин йўлига чиқиб ол-ди.

Меҳнатдан келаятган мўмай даромад эвазига ҳўжаликда ҳам-мом, клуб, чойхона, мактаб, бо-лалар боғчалари қурилди, йўл-лар асфальтланди. Бош режа асосида 400 та турар жой бино-си қад ростлади. Хонадонларга

тоза ичимлик суви кириб бор-ди. Ҳўжалик бора-бора респу-бликада, ҳатто собик Иттифоқ-да ҳам илгорлар қаторида тил-га олина бошлади. Адиб ёнба-рида раиснинг ташаббуси бил-лан мевали боб барпо этилди.

Ҳалоп ва самарали меҳнати унга бахт келтирди. Меҳнат Қаҳрамони бўлди, кўксини кў-ша-қўша орден ва медаллар бе-зади. Кейин илгори давлат ҳў-жаликлари тирести етакчилик қилди.

Усмонжон Мансуровнинг юзлаб шоғирдлари бугунги кун-да турли жабҳаларда яратиб,

ишлатиш ишқида манглай те-ри тўқиб меҳнат қилишмоқда. Шунга айтсалар керак-да, от изини той босар, деб. У киши ўз ишнинг давомчилари бўл-ган шоғирдлари ишга разм со-либ, муваффақиятларини мус-тақамлаш, камчиликларини тутатиш учун маслаҳатлар бе-ради. Сал бўлса-да, кўнгли тас-кин топгандек, уларнинг елка-сини қоқиб гурурланиб қўяди.

Мана, бир неча йилдирки, Усмонжон Мансуров нафақа-да. Аммо тиниб-тинчмас бу инсон уйда хотиржам ўтириш-ни эп кўрмайди. Айни пайтда туман фахрийлар кенгашига етакчилик қилмоқда. Фахрий-



УСМОН ОТА ЯРАТГАН БОҒЛАР

рашларда иштирок етдим. Киев, Варшава, Прага, Вена ва Берлин шаҳарларини фашист босқинчиларидан тозалашда

Қудлом ҲОЖИМАТОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюмисси аъзоси.

Маорифимиз жонкуярлари

АЗИМ ЧИНОРНИНГ ШОХЛАРИ

Кўриқ Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани маркази — Сардоба кўрғонидagi гидромелиорация коллежи ваҳа қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаб беради.



Бундан ўттиз йил муқаддам миқти гавдали, кўзлари чақноқ, бутун ҳаракатлари ю кўринишдан гайрат ёғилю турган йигитча ўз фаолиятини ана шу масканда техник механиклик ихтисослиги бўйича бошлаган эди. У Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» факультети ҳамда аспирантурасининг сиртки бўлимларини муваффақиятли тугаллади. Тез орада номзодлик диссертациясини ёқлаб, техника фанлари номзоди бўлди.

бир муҳим соҳа — илмий педагогика услубий йўналиши олимнинг эътиборини ўзига тортиди. Бу олимнинг узоқ йиллар билим юртига раҳбарлик қилганлиги, техника сир-асрофларини кунг билан эгаллаётган ёшлар ўртасида фаолият кўрсатаётганлиги, бинобарин, таълим ва тарбияни узвий равишда боғлаб олиб боришга, унинг самарадорлигини оширишга бўлган интилишларининг натижасидир. Жонкуяр раҳбарнинг бевосита ташаббуси билан юзага келган кўплаб самарали янгиликлар, тўпланган бой тажрибалар ҳатто жумҳурият ўқув юртилари ҳам кенг қўлланила бошланди.

Коллеждаги мавжуд ўқув хоналарининг аксарияти автоматик бошқариладиган ва замонавий техник воситалар билан жиҳозланди. 18 та аудиторийа автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг қисмлари, винтлари билан шакллантирилган. Ҳозир коллеж ҳисобида 10 та энгил ва 28 та юк автомобиллари ҳамда 12 та қишлоқ хўжалик техникаси бор. Бу эса талабаларнинг техникани бошқариш сирларини пухта эгаллашларида жуда кўл келаяпти.

Коллеж раҳбарияти илгари Россиянинг шў турдаги


заводлари билан бўлгани каби эндиликда «ДЭУ» ва «Мерседес-Бенц» корхоналари билан фойдали алоқаларни тиклаш ҳаракатида. Билим юрти меҳнат жамоаси баъзи ихтисосликлар бўйича ўқитилаётган назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш ниҳоятда. Қолаверса, меҳнат жамоасининг моддий манфаатдорлигини кўзда тутиб, 140 гектар кўриқ майдонни ижарага олишган эди. Унинг 138 гектарига пахта, 2 гектарига эса полиз экинлари экила бошланди. Мана уч йилдирки, ҳар гектар ердан 30 центнер атрофида юқори сифатли пахта етиштирилиб, яхшигина даромад олинмоқда.

Гап фақат даромадгагина эмас. Энг муҳими, бўлажак мутахассислар ўқув-тажриба хўжалигида амалий жиҳатдан шиқтирилмоқда. Деҳқончиликдаги барча ишлар механизациялаштирилган бўлиб, ҳамма техника воситалари коллежнинг ўзига тегишли. Уларни юқори босқич ўқувчиларининг ўзлари бошқаришмоқда.

Е. Ҳайдаровнинг оилавий шажарасини салобатли азим чинорга менгаш мумкин. Унинг отаси, уруш фаҳрийси Ҳайдар бобо Исҳоқов 86, онаси 81 ёшда. Ҳозир Фариш туманида кексалик гаштини сураётган бу қариялар ўн бир фарзандни тарбиялаб, камолга етказдилар. Невара, чеvara ва эвараларининг сони 150 нафардан ортки.

Ҳа, умр дегани бамисоли оқар дарё. Фашизм устидан қозонилган Галаба арафасида дунёга келган гўдак бутун эллигинчи баҳорини қаршилаётди. Академик Ҳайдаров ниҳти пок, бағри бутун инсон, унинг ўзи ҳам परिбадавлат оила бошчилиги: 6 фарзанднинг отаси, ўн нафардан ортки набираларига меҳрибон бобо.

Неъмат ҚАРШИЕВ, Эргаш САЙДУЛОВ.



Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамиятининг ип бўйш фабрикасида кунга 12 тоннагача ип бўйламоқда. Яқинда фабрика қошида янги — гилам ва поймадо тўқиш цехи ишга туширилди. Цех, асосан, фабриканинг ип чикиндилари ҳисобига ишламоқда. Фабрика бош муҳандиси Бахтиёр Наврузовнинг гапига қараганда, шу кунларда

цехни кенгайтириш ишлари бормоқда. Корхона тўлиқ қувват билан ишга тушса, ойига 150тагача гилам тайёрлаш имкони бўлади. Келгусида эса бу ерда пайпоқ, арқон ва болалар колготкаси тайёрлайдиган цехларни ишга тушириш мўлжалланаяпти. СУРАТДА: цех электромонтери Ҳасан Нуртфев. Ш. ШАРОПОВ (ўса) оёдан суради.

Дилмиздаги гаплар

Тўйга тенглашаётган маъракалар...

Инсон ҳаётини тўйсиз ва маъракаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин уларни ҳаддан оширмай, меъёрида ўтказишнинг иложи йўқмикан?

Баъзи пайтларда нарх-наво қимматлашиб кетаяпти, деган гаплар эшитилиб турибди. Турги, бозор ихтисосидига ўтиш шароитида нарх-навонинг ўзгариб, кўтарилиб туриши табиийдир. Буни инкор этиб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам пенсионерларга, кўп болали ва кам таъминланган, ҳимоя муҳтож оилаларга, ногиронларга давлатнинг томонидан қатор имтиёзлар, қўлайликлар яратиб берилмоқда. Мана шу йўнда бир нарсга ҳайронмиз.

Ҳамма нарх-наводан шикоят қилиш-ю, ҳеч ким тўй ё миярақа қилишда қилинаиб қолди, дегаяпти. Ақинча, дангиллама тўй-ҳашамлар ўтказиш тобора одат тусига кириб бормоқда. Шунинг қизикки, бели бакуват бўйлабчлардан «мен сендан қолманам», деб ном чиқаришга ҳаракат қилинса, Уртача яшайдиганлар ҳам, ҳаттоки оидатимой ҳимояга муҳтож оилалар ҳам улардан қолшмаяпти. Иш шу даражага бориб етмоқдаки, улар тўй ўтказиш учун таниш-билишларидан, қавму қариндошларидан қарз кўтариб, охири-охирида оғир аҳволга тушиб қолмоқда. Бўлаётган исрофгарчилик ва манманликлар-

ни кўриб, ваҳми келади кишининг. Ҳа, энди тўй ўз номи билан тўй-да, орзу-ҳавас дегандай... деб ўзимизни тинчитмоқчи бўламиз-ю...

Дарф маросими тадбирлари га кириб қолган одам маъракага келганини ҳам, тўйга келганини ҳам билмай, бир дажа гарантисиб қолади. Сабаби, катта маб-лағ сарфланган мазкур маросимлар тантанали айлантирилиб, тўйлардан фарқи қолмаяпти. Бу ерда ҳам ўша-ўша исрофгарчилик. Маълумки, ислом дини таррақий этган мамлакатларда тежамкорликка алоҳида эътибор берилди. Муқаддас китоблар бўлмиш Қуръон Карим ва Хадиси Шарифда ҳам «Бандаларим, еб-ичинлар, лекин исрофгарчиликка сира йўл қўймаглар», — деб бериб ёзилмаган, ахир. Ҳар бир мусулмон пайғамбаримиз Мухаммад Алайҳиссалом суннатларига риоя қилиши керакдир. Дин пешволарининг, уламоларнинг, хатиб-имомларнинг турли йиғинларда, жума кунлари масжидлари дин кўрсатмаларига ҳилоф ишларни тўхтатиш ҳақидаги йўл-йўриқлари, маслаҳатлари, матбуотда, ойна-жаҳон ва радиодаги чиқишлари аини муллоадир. Бундан буён

ҳам бу тарихоти янада фаоллаштириш фойдасидан холи бўлмайди. Чунки ўтказилаётган тўй ва дарф маросимлари исрофгарчиликдан ташқари, санитария-гигиена қоидаларини бузётгани турли юқумли касалликларнинг тарқалишига олиб келмоқда. Бу эса, бир суз билан айтганда, халқимизнинг малавий-мансий турмуш шароитига, саломатлигига, манъавиятига путур етказмоқда. Булардан юқинда ташвишланган биз — бир гуруҳ тиббиёт олимлари орткич маросимларга қатъий чек қўйишда Мовароуннаҳр мусулмонлар диний илдораси ҳам жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилсалар мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари: У. ОРИПОВ, К. ЗУФАРОВ, И. МУСАБОВЕВ, Е. ТўРАҚУЛОВ, Ж. ҲАМИДОВ. Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзолари: Т. ИСКАНДАРОВ, Ж. МАҚСУМОВ, А. РАҲИМЖОНОВ, Ш. ШАМСИЕВ, К. ЙЎЛДОШЕВ.



БМТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ БАЖАРИЛМАЯПТИ

Ироқнинг ядро қуролларини тугатиш бўйича БМТ махсус комиссиясининг раиси Рольф Экеус Богдодда Ироқ харбий саиоти раҳбари генерал Рашид билан учрашди.

Экеуснинг таъкидлашича, БМТ Хавфсизлик кенгашининг 687-резолуцияси Ироқ томонидан бажарилмаётгани сабабли ушбу комиссия мамлакатга ташриф буюрди.

ДАСТУР ТАСДИҚЛАНДИ, БИРОҚ...

Исроил Вазирлар Маҳмаси Қуддус шаҳри атрофидаги яҳудийлар истиқомат қилаётган учта аҳоли пунктда яна 1000 дан орткик уй қуриш ҳақидаги дастурни тасдиқлади.

Бирок «Мерей» партиясига аъзо 4 вазир дастурга қарши чиқди. Ушбу партиянинг аъзоси, мамлакат алоқа, фан ва технология вазистри Шуламит Алонинг таъкидлашича, мазкур дастур Яқин Шарқдаги тинчлик музокаралари жараёнига тўсқинлик қилади.

КУЗАТУВЧИЛАР ЮБОРИЛИШINI СЎРАДИ

БМТ тинчликни сақлаш кучлари Хорватиядан олиб кетишга, бу ерда яна уруш бошланади, деган гаплар мутлақ асоссиздир, деди Хорватия Президентини Франсо Тужман.

У халқро ҳамжамиятга мурожаат қилиб, БМТ кучлари олиб кетилгач, Сербия билан Босния ва Герцеговина чегарасига кузатувчилар юборишни сўради.

АСОСИЙ МАҚСАД: ЎЗ-ЎЗИНИ МУСТАҚИЛ БОШҚАРИШ...

Фаластин миллий мухторияти раиси Ёсар Арофат Франциянинг ТФ-1 телеканали орқали Франция, Европа Иттифоқи, АКШ, Россия, Миср ва Норвегияни Фаластин-Исроил музокараларини боши берк кучдан олиб чиқишда ёрдам беришга чақирди.

Шунингдек, у Исроилдан Фаластинга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини бериш, Газа секторини қамал қилишни тўхтатиш ва яҳудийларнинг кўчириб келишига чек қўйишни талаб қилди.

ЧЕГАРАДАГИ ОТИШМАЛАР

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг тарқатган хабарига кўра, 20 февраль кун Покстон ва Ҳиндистон чегарасида тўхтовсиз отишмалар бўлиб ўтган.

Ҳиндистон Мулофаа вазирлиги вакилининг айтишича, Покстон Жамму ва Кашмир вилоятларининг баъзи бир районларини ракетадан ўққа тутган. Айни пайтда Покстон Ҳиндистон харбийларини икки мамлакат ўртасидаги яраш битимини бузганликда айблаган.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИМИ Ё КОНТРАБАНДА?..

Ставропол ўлкасининг тартиб посбонлари Чеченистонга инсонпарварлик ёрдами олиб бораётган автомобилларни қайтишда тўхтатиб текширганда, ушбу юк машиналар ортга қуруқ қайтмаётгани маълум бўлди.

Ана шундай текширувларнинг бирода автомашинадан турли ўт очувчи қуроллар контрабанда йўли билан олиб кетилаётгани аниқланди.

«Фойдасиз АКЦИЯ...»

Америка давлатлари ташкилоти котиби Сесар Говарна Канадага таширф буюрди.

У АКШнинг Кубага нисбатан қўлаётган иқтисодий жазо чорасини фойдасиз акция, деб баҳолади. Шунингдек, иқтисодий қамал ҳолати босқичма-босқич бекор қилиниши кераклигини таъкидлаб ўтди.

СЎНГИ ШАҲАР ҲАМ ЭГАЛЛАНДИ

Мьянма ҳукумати қўшинлари Карен миллий иттифоқи ташкилотининг сўнги таянчи — Коумура шаҳрини эгалладилар.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, 800 га яқин исбечилар шаҳарни жантисиз ташлаб чиққан. Маълумки, ушбу ташкилот Карен халқининг миллий мухториятини сақлаб қолиш учун кўп йиллардан буён курашиб келмоқда.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

Япониянинг Сикоку оролида сувда сузишга мўлжалланган самолёт сувга қушиб чөгвда ҳалокатга учради.

Икки киши қутқариб қолинган, 10 нафари эса бедарак йўқолган. Айни пайтда Япония қуроли кучларининг бешта вертолети қидирув ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорацияси раёсати бошқаруви раисининг ўринбосари Мансур Махмудович Алиева волидан мухтарамаси Оймичон-Хўжа Она АЛИЕВАНING вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдиради.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги ўқув-методик бўлими бошлиғи, доцент Убайдулла Болтабоевга отаси Абдувақил БОЛТАБОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чукур ташвиш изхор этади.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

Энвер Арифов фашизмга қарши уруш фаҳрийларидан бири. Полковник харбий уивони билан истеъфога чиққан. 1941-42 йилларда Тошкент шаҳрининг харбий комендантти вазифасида ишлади.

Энвер оға урушдан кейинги йилларда ҳам турли харбий ташкилотларда, сўнгра таълим-тарбия масканларида фаолият кўрсатиб келди. Қўлига қалам олиб, ёш авлод учун уруш хотиралари ва таассуротларини ёзди. Ана шу мавзуда турли йиллар мобайнида Москва ҳамда Тошкентдаги нашрийётларда унинг ўнда орткик китоби босилиб чиқди.

Ғалабанинг эллик йиллиги муносабати билан Энвер Арифов газетамиз учун оғир уруш ишларини хотирлаб, лавҳалар ёзиб келди. Ана шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

Жанглр тўхтаб, ғалаба кўлга киритилган вақтдан бери мана ярим аср ўтди. У ҳақда қанчадан-қанча китоблар, кинофильмлар, санъат асарларию илмий-тадқиқот ишлари яратилди. Лекин архивларда ётган тарихий ҳужжатларнинг сон-саногий йўқ.

Мен уруш йилларининг кўпини Тошкентда ишлаб ўтказганлигим, Ўзбекистоннинг фронтга қилган беқийёс катта ёрдамини ўз кўзим билан кўрганлигим, ўзбек халқининг беғаразлиги, софдиллиги, ўз насибасини бошқалар билан баҳам кўрганлигининг гувоҳи бўлганлигим учун ўзбеклар жасорати ҳақида алоҳида гапирмоқчиман.

Ўзбекистон немис фашистларига қарши курашга ўзининг юз мингдан ортки фарзандини — ўғил ва қизларини юборди. Шундан ярмидан кўпроғи ўз она тупроғига қайтмади.

Ўзбек халқининг жасорати шундаки, у ота-онасиз қолган етим-есирларга, бошпанасиз ва қаровсиз қолган заиф қарияларга, ҳам танаси, ҳам қалби жараҳатланган ярадорларга ўз иссиқ бағрини очди, озиқ-овқат ўзига ҳам етишмай турган ташвишли ва оғир кунларда насибасини бошқаларга бўлиб берди, олийжаноблик кўрсатиб, ғарибларга улашди, бағрига босиб, уларнинг мусибатини енгиллаштирди. Бу ҳақда қанча ёзсангиз кам.

алоҳида-алоҳида эҳн солиб, самимият билан кўришиб чиқди.

— Ўзбекларда бир майизни қирқ киши бўлиб еган, деган нақл бор, — ҳикоя қилган эди ўшанда Йўлдош Охунбобоев рус тилида гапириб, — майиз ҳам бор бу вагонларда, ўрик ҳам, бошқа нозу неъматлар ҳам. Албатта, фронт катта. Бирок бир ҳовуч-бир ҳовучдан бўлиб берсак, анчагина кишига

гача қувиб бориб, тор-мор келтирамиз!»

Ўзбекистон меҳнаткашлари фақат Фарбий фронт жангчилари билангина эмас, бошқа армиялар ва харбий қисмлар билан ҳам яқиндан алоқа боғлаб, уларга турли-туман совғалар юбориб турдилар. Урушнинг оғир йиллари 12-Минск дивизияси, 5-Орлов ва 162-Урта Осиё

жону беҳол, хушсиз ухлардилар. Болалар зудлик билан махсус тайёрланган



этади. Янги йил совға-саломиде бу! Вақтида етказасак бўлгани... У бошлиқ делегация 1942 йилнинг биринчи кунларида қанчадан-қанча қийинчиликлардан ўтиб, Фарбий фронтга етиб борди. Генерал Л. А. Гороворов қўмондонлик қилган армия қисмларининг жангчиларига ўзбек халқининг совға-саломини топширди. Учрашувлар тўғрисида-тўғри фронтнинг ўзида, ертўлаларда, замбарак-тўллар отилиб турган жойларда ўтди. Қисқагина танаффус вақтларида ўзбек артистлари концертлар намойиш қилишди.

Ўзбеклар ҳақратон аёз кунларида музларни эритгучи меҳрини юборган эканки, жангчилар ҳам ўзбек артистлари, раққосалари билан бирга ўйинга тушиб кетар эдилар. Делегация қайтишдан олдин Фарбий фронт жангчилари ўзбек халқининг меҳрибончилигига жавобан қасамёд қилдилар: «Фашистларни ўз уялари-

ўқчи дивизияларига, Болтиқ флотига қарашли «Марат» линкорига ҳамда «Тошкент» ва «Самарқанд» номлари билан аталган жанговар кемаларга оталиқ қилди.

Ўзбекистон 200 минг етим-есир болани қабул қилиб олди. Уларнинг кўпчилиги жуда ёш ёки касал бўлганлиги учун нафақат ота-оналарининг, ҳатто ўзларининг ҳам исмларини билишмас, эса олишолмас эди. Душман қамалида узоқ вақт қолган Ленинграддан олиб келинган дастлабки бир гуруҳ болаларнинг ҳол-аҳволи ҳеч эсимдан чиқмайди. Уларни Тошкент вокзалида кутиб олган эдик. Қиш фасли эди. Вагонлар иситилмаган. Ётадиган полкалар ҳам йўқ. Болалар подла юмалашиб ётишар, ориқлашиб, ожизланиб қолишган. Ондик ва касалликдан юзлари саргайиб кетган, юз-бетлари бу яқин орада ювилмаган, майиб-мубало бўлиб қолганга ўхшаб жойларидан қўзғолишолмас, қимир этмай, бе-

ЎЗБЕКЛАР ЖАСОРАТИ

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

«МЎЪЖИЗА» ЮЗ БЕРМАДИ, ЛЕКИН У КУТИЛЯПТИ

Бутун дунё шохмотсеварлари Халқаро шохмот федерацияси (ФИДЕ) паноҳида ўтказилган жаҳон тожи даъвогарлари ўртасидаги ярим финал ўйинларини катта қизиқиш билан кузатишди. Гарчи кўпгина мутахассислар бу учрашувларда фамилияси К ҳарфи билан бошланувчи гротесмейстерларнинг галиб чиқишини олдиндан башорат қилганда, жаҳон шохмотсеварлари қандайдир «мўъжиза» юз беришини иштиқлик билан кутишди. Бироқ, кутилган «мўъжиза» юз бермади.

Жаҳон шохмот оламида «1-рақамли» гротесмейстерликка интиляётган америкалик ёш шохмотчи Гата Камский ўзининг ажойиб ўйинлари билан яна мухлисларни ҳайратта содди. У россиялик гротесмейстер Валерий Салов билан бўлган учрашувда муддатидан олдин галиб чиқди, яъни белгиланган 10 партияга етмай мақсадига эришди — 5,5:1,5. Иккинчи жуфтликда эса 9 партия ўйнади. Анатолий Карпов 9-партияда Борис Гельфандни мағлубиятга учратди, умумий ҳисоби 6:3 га етказди. Қизғин шундаки, аввалги жуфтликда ёш, кейингисиде ёши бирмунча улгуроқ шохмот-

чи галиб чиқди. Шундай қилиб, икки оқимдаги жаҳон шохмот олами чўққисиде фамилияси К ҳарфи билан бошланувчи шохмотчилар учта бўлишига яна бир поғона қолди. Бунинг учун Гата Камский март ойида Профессионал шохмот ассоциацияси (ПША) паноҳидаги тож даъвогарларининг ярим финал баҳсида ҳиндистонлик гротесмейстер Виши Анандни мағлубиятга учратиши керак бўлади. Мутахассислар икки гротесмейстер ўртасидаги баҳсда Гата Камский галиб чиқса, у қолда америкалик гротесмейстер шохмот тожи учун икки фронт бўйлаб жангга киришадиган ва иккига бўлин-

ган жаҳон шохмот оқимини бартараф этиш имкони туғилди, дейишмоқда. ХШФ паноҳидаги жаҳон тожи даъвогарлари ярим финалда Камскийдан мағлубиятга учраган Валерий Салов эса мутахассислар учун кутилмаган фикрни айтди. Унинг таъкидлашича, агар ПША паноҳидаги жаҳон тожи даъвогарларининг ярим финалида Камский Анандни мағлубиятга учратса, сентябрь ойида Кельнда ўтказилиши мўлжалланган финал учрашувида Каспаров Камскийга қарши ПША паноҳида шохмот тахтаси ёнига иложи борича ўтирмастикка ҳаракат қилади. Саловнинг фикрича, гарчи Камский Каспаровни бор-йўғи бир марта, яъни икки йил олдин Дортмунд турнирида мағлуб этган бўлсада, айти кунда устулик америкалик шохмотчи томонидир.

Саловнинг фикри қанчалик ҳақиқатга яқинлигини вақт кўрсатади. Лекин шундан сўнг ҳаммаси ойдинлашди. Тахминан 5 минг АҚШ доллари қийматидаги тери хомашеси гайриқонуний тарзда четта чиқарилиши мақсадида шововлар томонидан «КамАЗ» га юкланган экан.

Хозир қонунбузарлар иши тергов қилинмоқда.

ЎКТАМ ДҮСТЕР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўқондаги темирўйчилар поликлиникаси қошида олти бўлимдан иборат янги дорихона иш бошлади. Бу ерда тайёр маҳсулотларни сотишдан ташқари, турли дори-дармонлар ҳам тайёрланади. Ушбу тadbир дори-дармон тақчиллигини камайтиришга хизмат қилмоқда.



Янги дорихона хизматидан фойдаланган темирўйчилар поликлиникаси ва шифохонаси жамоаси эмас, балки шаҳар аҳолиси ҳам бахраманд бўлаёттир.

СУРАТДА: (чапдан) дорихона мудири Холматжон Тожиёв билан ассистент Муҳаббат Мадалиева дори-дармонлар сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ш. ОЛИМ олган сурат (ЎЗА).

Германиянинг "Алкател СЕЛ РФТ" фирмаси Ўзбекистон Республикаси қонуни йқарувди ҳокимиятининг Олий вакилилик давлат органи бўлмиш Олий Мажлисининг биринчи сессиясини самимий қўплайди ва депутатларга мустақкам соғлиқ, Ўзбекистон халқлари турмуш даражасини оширишга қаратилган қонуналарни яратиш фаолиятларида қалпта муваффақиятлар тилайди.

"АЛКАТЕЛ"НИНГ НИЯТИ УЛУҒ!

Тошкент ва Наманган шаҳарлари учун электрон АТС нинг янги рақамли ускуналарини шартномага мувофиқ етказиб бердик. Яқин ойлар ичида бу шаҳарларда маҳаллий ва шаҳарлараро телефон алоқаларининг янги станциялари ишга тушади. Пойтахт телефон тармоқларининг 11 та йўналишида қарийб 20 минг каналдаги станциялараро бирлаштирувчи линиялар бизнинг радиореле ускуналаримиз билан қурилмоқда. Навбатда Тошкентдаги бир қатор АТС ларда умумий ҳажми 66 минг рақамли энг янги ускуналарни монтаж қилиш вазифаси турибди. Ўзбекистон Республикаси телекоммуникацияларини ривожлантириш ва модернизациялашнинг бошқа лойиҳаларини амалга ошириш режаларимиз бор.

"Алкател" Ўзбекистон электр алоқалари воситаларидан ҳамкорликда фойдаланишда иштирок этади ва Республика телекоммуникация корхоналарини хусусийлаштиришда қатнашиш таклифини кўриб чиқишга тайёр.

"Алкател" бошқа буюртмаларни ҳам ижро учун қабул қилишга тайёр.

"Алкател СЕЛ РФТ".

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Қарши давлат ортил-фунузи ва вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов рисолаларида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти масалалари ва уларни халқ таълими бўғинларида ўрнатиш» мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман ишида олимлар, халқ таълими ходимлари, мафкура, тарғибот, маданият ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, мустақил давлат қурилиши ва демократия масалалари, миллий истиқлол мафкураси, мустақилликни мустақкамлашнинг маънавий-ахлоқий асослари, Президент олга сурган таъйинларда кучли ижтимоий муҳофаза, иқтисодий ислохотларнинг боришига оид маърузалар тинланди.

П. ГАДОЕВ.

Қилмиш-қидирмиш ТУМАН ҚҮЮҚЛИГИ... ПАНД БЕРДИ

... Ярим тун. Апрофни қуюқ туман қоплаган. Беш юз-олти юз метр узюқликдаги чироқларни фарқлаш анча мушкул бўлган бир вазият.

Тахтакўпир тарафдан келаятган «КамАЗ» машинаси ДАН ходимлари ёнидан катта тезликда ўтиб кетди. Бу хизмат бурчини ўтаётган милиция лейтенанти Собитхон Абдураимова шубҳа уйғотди. Ҳамкасблари сержант Нодиржон Пирназаров ва ҳайдовчи, катта сержант Аҳмаджон Қадҳоровни ёнига олиб, юк

машинасини қувиб етди. «КамАЗ» кабинасида ҳайдовчидан ташқари яна уч киши бор экан. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинганда, улардан бири тумандан фойдаланиб қочди. Бироқ, тажрибали посбонларнинг қатъий ва изчиллик билан кўрган чора-тадбирлари унинг осонгина кутилиб кетишига йўл қўймади.

Шундан сўнг ҳаммаси ойдинлашди. Тахминан 5 минг АҚШ доллари қийматидаги тери хомашеси гайриқонуний тарзда четта чиқарилиши мақсадида шововлар томонидан «КамАЗ» га юкланган экан.

Хозир қонунбузарлар иши тергов қилинмоқда.

ЎКТАМ ДҮСТЕР,
«Халқ сўзи» мухбири.

323 Седан
1600сс, 16v

- мақкамий қувиқлиқ;
- автоматик олик ойналарни;
- гидролик бошқарув.

Тел.:
41-40-05,
41-38-14,
33-43-73

Тошкент шаҳри,
М.К. Отатур кўчаси,
23.

Anadolu Ltd.

"АХРОР" Ўзбек-Турк кўп тармоқли қўшма корхонаси:

Қуввати 15.000 Ккал/соатдан бўлган газ-фреонли компрессорларни (2 дона);
3-5 тон/соат бўлган сут сепараторларни (1 дона);
нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан келишилган нархга сотиб олади.

Мурожаат учун (Фаргона шаҳрида) телефонлар:
26-03-03, 24-77-91.

«Сўғдиёна» қўшма корхонаси ўз фаолиятини тугатади. Шикоят ва аризалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 74-92-68

«Юйташ» қўшма корхонаси ўз фаолиятини тугатади. Шикоят ва аризалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 74-62-67

«Медтехоснастка» кичик корхонаси ўз фаолиятини тугатади. Шикоят ва аризалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 74-76-14

«Ал-Пикон» кичик корхонаси ўз фаолиятини тугатади. Шикоят ва аризалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 74-92-69

«Микрон» кичик корхонаси ўз фаолиятини тугатади. Шикоят ва аризалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 75-59-04

«Ал-ЧПУ» кичик корхонаси ўз фаолиятини тугатади. Шикоят ва аризалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 74-76-11

Азиз ҳамшаҳарлар!

"КОКА-КОЛА" ИЧИМЛИГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Озик-овқат" ҳиссадорлик ушғуржи - чакана савдо бирлашмасининг ишла идишлар қабул қилувчи қуйидаги савдо шаҳобчаларига "Кока-Кола" ичимлиги бўш шишаларини топширишиниз мумкин.

1. Шайхонтоҳур туманида - "Гунча", "Ўрда", "Шопойин", "Бозиргон", "Оқ тепа" дўконлари.
2. Акмал Иқромов туманида - 1-, 2-, 8-, 10-, 11-, 13-, 15-, 17-, 18-, 20-, 22-, 24-, 26-, 31-, 39-, дўконлар.
3. Миробол туманида - "Анвар Туроб", "Нур сари", 5-сонли, "Камилия", "Оқунжон ота", "Мунис нур", "Равшан-Дилшод", "Сарикўй", "Хумоюн бут", "Кумуш зар" дўконлари.
4. Чилонзор туманида - 13-, 14-, 21-, 22-, 22/1-, 24-, 26-, 17- дўконлар.
5. Собир Раҳимов туманида - 3-, 8-, 12-, 16-, 21-, 25-, 30-, 32-, 41-, 49-, 62-, 72- дўконлар.
6. Юнусобод туманида - 26-, 64-, 65-, 49-, 56-, 32- дўконлар
7. Яққасарой туманида - 4-, 27-, 36- ва "Зилола", "Шоҳида" дўконлари.
8. Сирғали туманида - "Ерқин", "Феруза", "Марғубахон", "Севиъ", "Орзу-ният", "Раҳбарисно", "Улғубек юлдузи", "Ас - сар", "Ф. Самандар", "Манғуберди", "Фароғат", "Шухрат шох", "Шерзод" дўконлари.
9. Мирзо Улғубек туманида - 3-, 5-, 6-, 8-, 9-, 10-, 11-, 13-, 15-, 16-, 18-, 21-, 22-, 23-, 27-, 37-, 39-, 50-, 53-, 65- дўконлар.
10. Бектимер туманида - 1-, 3-, 9-, 13-, 16-, 23-, 24- дўконлар.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН "КОКА-КОЛА" БЎШ ШИШАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТОПШИРИШ СИЗГА ДОИМО ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТАДИ!

Маълумотлар учун телефонлар: (3712) 45-13-57, 45-33-47.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖҮРАБОВЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Қишлоқ ҳўжаллиги 32-07-94;
Иқтисодий 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир - И. Ўтбосаров.
Цанбатчи - Т. Долнев.